O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 29 сентябрь, № 194 (4347) Шанба

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётган қутлуғ айём — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу ёруғ оламда ҳар бир одам, аввало, ўзининг меҳрибон ота-онасига, унга маърифат ва билим дунёсини очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар, фуқаролик ҳисси ва масъулиятини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Табиийки, мактаб остонасига қадам қўйганимизда бизнинг қўлимизга қалам бериб, алифбони ўргатган биринчи ўқитувчимиз сиймосини, дунёга кўзимизни очиб берган мураббийларни, бу улуғ зотларнинг фидокорона меҳнатини доимо ҳурмат-эҳтиром билан эслаймиз ва қадрлаймиз.

Одамзод ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қайси лавозимда ишламасин, мактаб бағрида кечган йиллари, олган таълим-тарбияси унинг етук инсон ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида нақадар беқиёс аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши англаймиз. Мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон улғайиши ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, кўз нури ва қалб қўрини, бутун борлиғини ўқитувчиликдек олижаноб касбга бағишлаган сиз, азизларни ҳар қанча эъзозлаб, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қадрли дўстлар!

Бу йилги Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами ҳақида гапирганда, унинг ўзига хос тарихий бир вазиятда ўтаётганига эътиборингизни жалб этмоқчиман. Яъни, шу кунларда юртимизда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганининг ўн йиллигини нишонлаётганимиз бу байрамга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Ушбу дастур ва унинг таркибида бошлаган ишларимизнинг узвий давоми сифатида 2004 йилда қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини давлат ва умуммиллий аҳамиятга молик устувор вазифа тариқасида белгилаб олганимиз, унинг халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланганидан яхши хабардорсиз. Албатта, бутун мамлакатимизда мактабларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва янгитдан қуриш билан бирга, ўрта махсус ва касб-ҳунар тизимини мутлақо қайтадан барпо этиш, энг ривожланган давлатлар қаторида 12 йиллик умумий таълим тизимига, янги стандартларга ўтиш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар иш ҳақини ошириш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия тизимини замон талаблари даражасига кўтариш бўйича кейинги йилларда амалга оширган ишларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин бугунги кунда биргина ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимида турли соҳа ва йўналишлар бўйича 840 мингга яқин замонавий билим ва касбни эгаллаган юқори малакали кадр тайёрланганининг ўзиёқ бу борада биз орзу қилган ижобий маънодаги "портлаш эффекти" рўй бера бошлаганининг амалий тасдиғидир.

Энг муҳими, бундай узоқни кўзлаган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар юртимиздаги барча ҳудуд ва минтақаларни қамраб олаётгани, бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз олис ва яқиндаги қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, жаҳон майдонида мамлакатимизнинг обрў-эътиборини оширишда, тараққиёт йўлидаги эзгу мақсадларимизга етишда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи тарихий жараёнга айланиб бораётгани дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Халқаро Болалар ташкилоти — ЮНИСЕФнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган, бир қатор мамлакатларда таълим-тарбиянинг бугунги аҳволига бағишланган махсус тадқиқотида Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган натижаларига юксак баҳо берилиб, уларнинг намуна сифатида кўрсатилгани ҳам бу фикрни яққол исботлайди.

Юртимизда бугунги кунда ўз таъсири ва самарасини бераётган ана шундай бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр юритганда, яратилган беқиёс имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, энг асосийси, ўқув тизимининг сифатини илғор халқаро мезонлар даражасига кўтариш, жондан азиз фарзандларимизга нафақат таълим бериш, айни пайтда уларнинг маънавий оламини ҳам юксалтириш бўйича ўта муҳим масъулият ва шу билан бирга, улкан шараф, авваламбор, сиз, меҳрибон муаллим ва мураббийлар қўлида эканини ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Такрор айтишга тўғри келади — ҳозирги пайтда замонавий ўқув тизимининг мустаҳкам моддий-техник базасини яратиш, энг юксак талабларга жавоб берадиган стандартларни ишлаб чиқиш, зарур дарслик ва ўқув қўлланмаларини юқори сифат билан чоп этиш мумкин. Лекин бундай имконият ва воситаларни олий мақсадларимиз, орзу-интилишларимиз йўлида ишлатиш, соғлом ва баркамол, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган авлодни тарбиялаш — буларнинг барчаси, биринчи галда, ўқитувчи зотига, унинг билим ва маҳорати, фидойилик фазилатларига боғлиқ, десак, ҳеч кимда шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатни айтган бўламиз.

Барчамизга яхши маълумки, бундай ёндашув давлатимиз, жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб, таълим соҳасига, унинг нафақат бугунги, балки эртанги эҳтиёжларини қондириш масаласига кундалик сиёсатимизда энг муҳим ва устувор аҳамият берилмоқда.

Шу борада биргина рақамни келтиришни ўринли деб биламан.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ушбу соҳага йўналтирилаётган харажатлар улуши ялпи ички маҳсулот таркибида 12 фоизни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич дунёнинг кўплаб мамлакатларида 3-5 фоиздан ошмайди.

Иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор суръатлар билан ўсиши, салоҳият ва имкониятларимизнинг кучайиши билан бундай рақамлар ва таълим-тарбия соҳасига ажратилаётган маблағлар янада ортиб бориши муқаррар. Бугунги кунда янги қурилаётган ва фойдаланишга топширилаётган мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, янги авлод дарслик ва қўлланмаларини яратиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар, Интернет тизимини кенг жорий этиш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш тизими самарадорлигини янада ошириш каби долзарб масалалар бизнинг яқин ва келгуси режаларимизда, ҳеч шубҳасиз, катта ўрин тутади.

Бундай мақсадларимизнинг негизида жаҳон миқёсида тан олинган бир ҳақиқат мужассамки, биз уни доимо эътиборда тутишимиз лозим. Яъни, юксак тараққиёт сари интилиб яшайдиган ҳар қайси миллат ва халқнинг эртанги куни, авваламбор, унинг интеллектуал салоҳияти ва маънавий бойлиги билан чамбарчас боғлиқ эканини асло унутмаслигимиз ва ўз фаолиятимизни айнан шу асосда ташкил этишимиз зарур.

Айниқса, дунё шиддат билан ўзгариб, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора авж олиб бораётган бугунги мураккаб ва таҳликали даврда эришган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, хотиржамликка берилмасдан, ўз олдимизга янги ва баланд марраларни қўйиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ана шундай кескин вазиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ўзлаштирган, Ватан туйғусини теран англайдиган, мустаҳкам иймон-иродага эга бўлган ёшларгина бизга мутлақо бегона оқим ва ғояларнинг зарарли таъсирига қатъий равишда қарши тура олади.

Сиз, жонкуяр муаллим ва мураббийлар ана шу ғоят муҳим ва масъулиятли вазифани адо этишда куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни аямайсиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Сизларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзанд ва шогирдларингизнинг камолини кўриш доимо сизларга насиб этсин, азиз устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 сентябрь куни Оқсаройда Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Хамадун Турени қабул қилди.***



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини компьютерлаштириш ва уларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида мазкур халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ахборот асри деб аталаётган ҳозирги юз йилликда ахборот технологияларининг аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Ахборот-коммуникация ва компьютер технологиялари юксак суръат билан ривожланиб, барча соҳаларга жадал кириб бораётир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, алоқа тармоқларини рақамлаштириш ва уларнинг ўтказувчанлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳани компьютерлаштириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, 2002 йили мамлакатимизда Интернетдан 136 минг киши фойдаланган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткич салкам 2 миллионга етди. ".UZ" домен зонасидаги веб-саҳифалар сони ўн карра кўпайиб, 4,5 мингдан ортиқни ташкил қилди. Телефон тармоқлари рақамлаштирилди, уяли алоқа хизмати кенгайиб бормоқда. Компьютерлаштириш ва ахборот-технологияларини жорий қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида божхона ва солиқ имтиёзлари жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, халқаро тажриба алмашувини йўлга қўйиш ва илғор технологияларни ўзлаштириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил қилинди, қатор лицей ва коллежлар очилди. Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "ЎзИнфоКом" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази сингари кўплаб муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигини ўтказиш анъанага айланган. У соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олади.

Меҳмон Тошкентда якунига етган навбатдаги ана шундай тадбир доирасидаги саммитда иштирок этиш учун Ўзбекистонга келган. Оқсаройдаги учрашувда Х. Туре Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва компьютерлаштириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлади. Ҳафталик юксак савияда ташкил этилиб, саммит самарали бўлганини, Халқаро телекоммуникация иттифоқи Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам изчил давом эттиришини қайд этди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида мамлакатимизнинг мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларини янада кенгайтириш, халқаро ахборот хавфсизлиги муаммолари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

*Устоз деганда кўз ўнгимизда жонкуяр, меҳридарё, ғамхўр ва фидойи инсонлар гавдаланади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, барчамизга илму маърифат, тарбия, катта ҳаёт сабоғини ўргатган устозларнинг ўгити, панду насиҳати умр бўйи йўлимизни, қалбимизни мунаввар этади.*

Шу кунларда мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари, мураббийлар, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида умумхалқ байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда таълим тизимининг барча бўғинларида меҳнат қилаётган фаол, изланувчан ва ташаббускор педагоглар, мураббийлар, соҳада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган устозлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ушбу умумхалқ байрами арафасида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови 25 фан йўналиши бўйича ташкил этилди. Мазкур ижодий беллашув ғолиблари орасида Тошкент шаҳридаги 257-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси Одил Йўлдошев, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 11-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Зулхумор Қулметова, Навоий шаҳридаги 2-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Феруза Кенесова, Нукус шаҳридаги 41-мактабнинг қорақалпоқ тили ўқитувчиси Гулнора Абдунабиева, пойтахтимиздаги 202-мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Анвар Муртазоев каби фидойи педагоглар бор.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тошкентдаги 50-мактаб директори Светлана Герасимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, жисмонан соғлом, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш мамлакатимизнинг барча жабҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида таъкидладилар.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бераётган самаралар бугун нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам кенг эътироф этилаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**

**Арипова Шоҳида Раҳматовна** — Термиз шаҳридаги 6-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Жумабеков Жали Исақович** — Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мўминов Ғафуржон** — Наманган саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**

**Бўриев Марат** — Зарбдор тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Жиззах вилояти

**Шарапова Муҳаббат Араповна** — Қарши шаҳридаги Нодирабегим номидаги ихтисослашган мактаб-интернат мажмуасининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шульга Людмила Николаевна** — Пайариқ туманидаги 6-мактаб директори, Самарқанд вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Балтабаев Мамарасул Юнусович** — Қувасой шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича мураббийси, Фарғона вилояти

**Бибалаев Норбўта Ҳакимович** — Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**(Давоми 2-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 28 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир қисми ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди.*

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ, шаҳар ва туманларда фуқаролик ҳолати далолатномалари ваколатли адлия органлари, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари (ФХДЁ) томонидан қайд этилиши айтиб ўтилди. Шу билан бирга "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ҳамда

**(Давоми 3-бетда).**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида бугунги ҳаётимиз учун муҳим бўлган бир қатор масалалар юзасидан тадбирлар бўлиб ўтди.*

"Жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида мудофаа ва хавфсизлик тизимидаги ислоҳотларнинг моҳияти" мавзуидаги илмий-амалий конференция қуйи палатанинг **Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси** томонидан Тошкент темир йўллари институтида ташкил этилди.

Мазкур қўмита раиси А. Турсунов таъкидлаганидек, истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳарбий салоҳиятини юксалтириш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилди. Юртбошимизнинг Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида армиямиз тактик ва техник жиҳатдан замонавий армиялар қаторидан жой олгани қайд этилди.

**(Давоми 3-бетда).**

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

*— Марказий сайлов комиссияси қандай ташкил қилинади? У фақат сайлов кампанияси даврида ишлайдими ёки доимий фаолият кўрсатадими?*

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади...

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида 15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади...

**(«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1 ва 3-моддалари).**

*— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини молиялаштириш манбалари қандай?*

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси).**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ҳам фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олишни белгиланган тартибда бажаришлари мумкин, аҳоли пунктида нотариус бўлмаган ҳолларда эса улар қонунга мувофиқ васиятномалар, ишончномаларни (автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш учун бериладиган ишончномалардан ташқари) тасдиқлайдилар, мерос мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрадилар, ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмалар тўғрилигини шаҳодатлайдилар (маълумот тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари бундан мустасно), ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайдилар, шунингдек, бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширишлари мумкин. Қонун ҳужжатларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги ҳаракатлари ушбу органлар жойлашган ҳудуддаги тегишли ФҲДЁ бўлимлари томонидан назорат қилиниши ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 25 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007–2008 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига мувофиқ Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан Адлия вазирлиги, Республика “Маҳалла” жамғармаси ва “Оила” илмий-амалий маркази билан биргаликда ушбу масалани ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, агар 2006 йилда мамлакатда ФҲДЁ бўлимлари томонидан 561391 та туғилиш далолатномаси қайд этилган, 208423 та никоҳ тузилган, 140040 та ўлим ҳақида гувоҳнома берилган бўлса, шу давр ичида шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари томонидан 7010 та фуқаролик ҳолати (туғилиш, никоҳ тузиш, ўлим) далолатномалари қайд этилган ва тўрт мингта нотариал ҳаракат амалга оширилган.

Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг кўпчилиги ҳозирги кунда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш соҳасидаги қонуний ваколатларидан тўлиқ фойдаланмаётганлиги, айрим фуқаролар йиғинларининг бу соҳадаги фаолиятида бирмунча қийинчиликлар мавжудлиги ҳам қўмита мажлисида кўрсатиб ўтилди. Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) етарли юридик билимга эга эмаслиги ва малакали мутахассислар етишмаслиги туфайли фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш чоғида гербли гувоҳномаларни тўлдиришда, шу жумладан, рус ва инглиз тилларида тўлдиришда, шунингдек, бундай далолатномалар ҳисобини юритиш, уларни сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланишда баъзи хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу муносабат билан сенаторлар қонун нормалари амалиётда бир хил қўлланилишини таъминлаш муҳимлигини, шунингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиши ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириши устидан адлия органларининг назоратини кучайтириш, бунда фуқаролар йиғинлари, аҳоли пунктлари жойлашувини ва кадрлар салоҳияти мавжудлигини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидладилар.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир қисмини бир хилда ижро этиш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар билдирдилар.

Мажлис иштирокчилари муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилдилар.

Қўмита мажлисида сенаторлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратураси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси, “Маҳалла” жамғармаси, “Оила” илмий-амалий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси** раиси Н. Исмоилов бошқарган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва муаммолар” мавзуидаги давра суҳбатида, аввало, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга доир қонуннинг қабул қилинганлиги эътироф этилди. Маълумки, иқтисодиётимизда суғурта бозорининг улуши кун сайин ошиб бораётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ярмида жами суғурта тўловлари ҳажми 38 миллиард 900 миллион сўмни ташкил этди. Аммо, бу охирги натижа эмас. Жамоатчиликни бу ҳужжат мазмун-моҳияти билан яқинроқ таништириш, уни кенг тарғиб қилиш янада яхши натижаларга эришиш имконини берган бўлар эди, албатта.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди, улардан фойдаланиш масаласида ҳам фикрлар айтилди.

**Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси**нинг “Давлат ҳокимияти органлари ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда матбуот хизматларининг ўрни” мавзуидаги семинарида ахборот узатиш ва айланиши соҳасида матбуот хизматларининг роли ҳақида гап борди.

Сўзга чиққанлар, аввало, бугун мамлакатимизда парламент журналистикаси шаклланаётганини эътироф этишиб, унинг ишларини янада жонлантириш лозимлигини қайд қилдилар.

Мазкур қўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов бошқарган ушбу тадбирда парламент, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимидаги матбуот хизматларининг бугунги муаммолари ҳақида атрофлича фикр юритилди, уларни ҳал этиш йўлида биргаликда ва ўзаро тажрибага таянган ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Кеча, шунингдек, **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси** йиғилишида “Давлат тили тўғрисида”ги, “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги ҳамда “Реклама тўғрисида”ги қонунларнинг Самарқанд вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

Қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган йиғилишда ишчи гуруҳ хулосаси тингланиб, хусусий ва жамоат муассасалари пештахталари, реклама ва безакларда орфография қоидаларига риоя қилинишига доир маълумотлар келтирилди. Таъкидланишича, мазкур масала бўйича муайян ишлар бажарилган.

Шунингдек, қўмита йиғилишида баъзи камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳомийлик ёрдами

Ижтимоий ҳимоя йилида Арнасой туманидаги “Сангзор” фермер хўжалиги томонидан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болаларга кўрсатилган ҳомийлик ёрдами миқдори 10 миллион сўмдан ошиб кетди.

Куни кеча фермер хўжалиги раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳибаси Рашида Ёдгорова вилоятдаги 29-Меҳрибонлик уйида бадиий гимнастика зали қуриш ва уни жиҳозлаш мақсадларига яна 1,5 миллион сўм ҳадя этди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Республикамиз Президентининг айни кузнинг пишиқчилик палласида — боғ-роғларда мева-чевалар ғарқ пишган, полиз ва сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олинаётган, далаларда эса пахта йиғим-терими авжига чиққан бир пайтда вилоятимизга келиб, фермерлар билан дилдан суҳбатлашганлари бизларни беҳад шодлантирди.***

# ҒАМХЎРЛИКДАН БЕҲАД ШОДМАН

**Дил изҳори**

Юртбошимизнинг, энг аввало, ҳол-аҳволимиз, даромадимиз билан қизиқишлари, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар одамлар турмуш тарзида қандай акс этаётганини сўраганларидан, айниқса, бошимиз осмонга етди. Яшириб нима қилдим, бор гапни айтдим. Фермерлик ҳаракати энди бошланган пайтларда ишга киришишга жазм қилолмай, чўчиб юрганимни ҳам яширмадим. Бугунги кунда фермерларга ҳамма шароит яратилгани, яъни, имтиёзли кредитлар олиши, лизингга техника харид қилиши, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари даласигача етказиб берилаётгани, бундан оқилона фойдаланиб, эркин ишлаётган фермерларнинг қадди кўтарилиб бораётганини ғурур билан сўзлаб бердим. «Эътибору ғамхўрлик шунчалик бўлибди-да!» дедим.

Гап шундаки, ҳозир “Зарбулоқ” фермер хўжалиги раҳбариман. 224,9 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз. Даромадимиз ҳисобидан кейинги уч йилда иккита занжирли ҳайдов трактори, учта чопиқ трактори, шунча культиватор ва яна иккита сеялка сотиб олдик. Бу техника воситалари ёрдамида ерга вақтида ишлов бериб, унинг бонитетини 53 баллдан 59 баллга кўтардик. Мақтанишга йўймангку-я, бизнинг шароитимизда бунга эришиш осонмас, албатта.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари ҳам суҳбат чоғида бу ҳақда тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: “Жойларда ирригация иншоотларини барпо этишда муайян натижаларга эришдик. Лекин мелиорация соҳасида амалга ошириладиган ишларимиз ҳали анчагина. Шу мақсадда 2008 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағ миқдорини жорий йилдагига нисбатан бир неча баравар оширишни мўлжаллаяпмиз”. Бундан қувонмай бўладими? Ахир, ана шу вазифа амалга оширилса, Жиззах бош зовурини таъмирлаш ишлари жадаллашиб, вилоятдаги 128 минг гектардан зиёд ернинг мелиоратив ҳолати янада яхшиланади. Бу даромадга даромад қўшилади, дегани эмасми?

«Фермернинг бойигани эса, элнинг бойигани, юртнинг бойигани», деганидир. Ўтган йили деҳқончиликдан 34 миллион сўм соф фойда олгандик. Бу йил ундан 1,5 баробар зиёд даромадга эришишни мўлжаллаб турибмиз. Бундай дейишимга тўла асос бор. Айтайлик, ғалланинг ўзидан 69 миллион сўм даромад қилдик. Пахта етиштириш бўйича шартнома режасини бажариш арафасидамиз. Яъни, давлатга 396 тонна пахта сотсак, мўлжалдаги кўрсаткичга, албатта, эришамиз.

Шу билан бирга, фермер хўжалигимизда деҳқончиликдан ташқари чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси қўшимча даромаддир.

Президентимиз раҳнамолиги ва бевосита ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аслида шудир.

**Қувондиқ ЭСИРГАПОВ,**
**Дўстлик туманидаги «Зарбулоқ» фермер хўжалиги раҳбари.**

# 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

***Бугун муҳтарам Президентимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”, деб айтганлари нақадар ҳақиқат эканлигини олий ҳакам — вақт тасдиқлаб турибди. Мамлакатимиздаги 5 миллион 457 минг 710 нафар ўғил-қиз қасру кошоналардан фарқ қилмайдиган 9773 та маҳобатли мактаб бинолари сари ошиқиб, энг замонавий, шинам, ораста синф хоналарида малакали ва тажрибали педагоглардан ҳаёт ва маърифат сабоқларини олаётганликлари, кундан-кунга кўнгиллари равшанлашиб, улуғ мамлакатнинг буюк фарзандлари бўлиш иштиёқи оловланаётгани ҳам бор гап.***



## Фидойилик шарафи

Истиқлол йилларида навқирон авлод учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиниши билан бир қаторда, миллий таълим анъаналарига асосланган, илғор мамлакатларнинг таълим тизимида ўзини оқлаган тажрибалар эътиборга олинган, лекин мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат замон ва маконда юз берган улкан янгиланиш, балки жаҳон миқёсида ҳам ўрнак оларлиқ аҳамият касб этди. Хусусан, узлуксиз таълим тизимининг жорий қилиниши, айни пайтда, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг 75 фоизини касб-ҳунар, ўрта махсус таълимига қамраб олиш имкониятини бераётганлиги, бу борадаги ишлар жадал ва изчил давом эттирилаётганлиги, сўнгги бир йил ичида янги 21 та академик лицей ва 179 та касб-ҳунар коллежлари таълим муассасалари сафига қўшилгани ва умуман, Ўзбекистонимизда энг замонавий илм даргоҳларини барпо этиш учун 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилгани — ватанимиз ва авлодларимизнинг фаровон келажаги учун барча эзгуликлар, бунёдкорликлар бугун катта умид ва орзулар билан амалга оширилаётганининг ёрқин исботидир.

Буларнинг бари ватанимиз умумтаълим мактабларида ишлаётган 450 мингдан зиёд ўқитувчи ва педагогларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Чунки, биз уларга бири-биридан гўзал мактабларни тортиқ этибгина қолмай, кўзимизнинг оқу қораси — фарзандларимиз тақдирини ҳам ишониб топширмоқдамиз. Зеро, биламизки, ўқитувчилик энг шарафли, олижаноб, эъзозга сазовор касб. Бу касб соҳиблари маърифат бешигини тебратишади, кечаю кундуз ёш қалбларга урфон, меҳру муҳаббат, боболаримиздан мерос одамийлик илмини сингдиришга интилиб яшашади. Қолаверса, ўқитувчи — отадек адолатли, онадек шафоатли, саодат сари етакловчи мурувватдир. Илло, ҳар биримиз, ёшимиз каттами-кичикми, қатъи назар, «Биринчи муаллимингиз ким?» деб сўрасалар, чеҳрамиз ёришиб, устозимизни фахр билан тилга оламиз. Хаёлларимиз болалигимизга, мураббийимизнинг қўлимиздан ушлаб ҳарф ёзишни ўргатган лаҳзаларга бориб туташади. Илк ёзилишини ўрганган сўзларимиз: она, ота, ватан, дунё томирларимизда қайтадан акс-садо бера бошлайди. Ҳаётда ўз ўрнимизни топишга кўмаклашган, ҳақимизга то ҳануз дуода бўлган барча мўътабар ўқитувчиларимиз кўз ўнгимиздан бирма-бир ўта бошлайди. Юрагимиз ҳаприқади. Биз уларнинг ота-оналик меҳру саховатларини, олам каби улкан, беминнат меҳнатлари қадр-қимматини англаб қоламиз.

Шукрларким, мана шу жўшқин туйғуларимиз ифодаси янглиғ мамлакатимиз миқёсида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами сифатида 11 йилдан бери кенг нишонланиб келинмоқда. Зеро, устозларимиз давлатимиз, халқимиз ардоғида. Ҳар бир камолотимиз йўлида айтган сўзлари — ҳикмат, ҳаёт чироғини кўтариб бизни истиқбол томонларга бошлаётганлари — ибратдир.

Бинобарин, устозлар инсон қадр-қимматини белгилайдиган энг фароғатли унсурни — зиёни мурғак қалбларга нақш этадилар, ўчмаслигини, ҳамиша мавжуд бўлишини кафолатлайдилар. Шак-шубҳасиз, эрта-индин қалби зиё таратаётган бу ёшларимиз қудратлари ва салоҳиятлари билан мамлакатимизни жаҳонда пешқадам ва етакчи мамлакат даражасига кўтаришади. Бунинг учун мустаҳкам пойдевор қўйиб бўлинди. Алалхусус, юртимизда “Мактабга эътибор — келажакка эътибор” шиори истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб баралла янграшининг асл мазмун-моҳияти ҳам шунда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Башарият тарихи ва тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда мактаб-маориф масаласи доимий эътибор марказида турса, қайси халқ, қайси миллат ёш авлод тарбияси устида узоқни кўзлаб тинимсиз иш олиб борса, шу юртнинг фарзандлари элнинг чинакам ғурури ва ифтихорига айланади.”

Алҳол, чинакам ғурур ва ифтихор эгаларини тарбиялаб, юракларига қулоқ тутиб, ҳамдамлик ва ҳамнафасликда, уларни билимли, доно, заковатли қилиб тарбиялаётган меҳри дарё ўқитувчиларимиз, устозларимиз, мураббийларимизни қутлуғ байрамлари — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этамиз.

Заҳматли, шунинг баробарида, қадр-қимматли, ардоқли фаолиятингизда асло толманг, деймиз.

***Яқинда устозим Орол ака Примқулов ҳузурларида бўлдим. У киши қарийб 35 йилдан буён Термиз туманидаги 3-мактабда ишлайди. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган мазкур таълим маскани нафақат Сурхондарё вилояти, балки мамлакатимизнинг энг яхши мактабларидан биридир. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йили ушбу ўқув маскани “Йил мактаби” республика кўрик-танловида биринчи ўринга муносиб топилди.***

## ПОЙИНГИЗГА ГУЛЛАР ПОЯНДОЗ

Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизими, хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Бундай ғамхўрлик ҳар бир ўқитувчини янги-янги ташаббус билан чиқишга ундамоқда. Шу маънода айтадиган бўлсак, Орол аканинг ташаббуси билан мактабнинг алоҳида ҳисоб-рақами ташкил этилган. Бу ҳисоб-рақамга тушадиган маблағ мактаб ҳовлисига экилган дов-дарахтлар, кўчатлар эвазига келади. Минглаб туп арчалар, турфа гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар экилган мактабни кўрсангиз, баҳри-дилингиз очилади.

Бугун Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 2004-2006 йилларда Сурхондарё вилоятида 278 та мактабда 26 миллиард 976 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бунга қўшимча равишда яна маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг ҳам 0,5 миллиард сўм маблағи йўналтирилган. Бугунги кунда вилоятдаги мактаблар 9,1 миллиард сўмлик ўқув лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва энг яхши мебеллар билан жиҳозланди. Яна бир нарса: бу йил 158 та мактабда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Насиб бўлса, улар ҳам ўқитишнинг замонавий техника воситалари билан таъминланади.

Бир-биридан гўзал, муҳташам биноларда ишлаш одамга бир олам руҳий кайфият бағишлайди. Таъмирланган, қайта реконструкция қилинган мактабларда бугун ўқитувчилар ўз ўқувчиларини янгича яшашга, янгича ишлашга, она-Ватанимизга садоқатли бўлишга даъват этиб келмоқдалар. Вилоят мактабларидаги махсус комиссияларнинг қарори билан ўтган ўқув йилида тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни амалга оширгани, касб-маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ шахсий ҳиссаси учун 15 минг 304 нафар ўқитувчи ва 175 нафар кутубхоначи директор жамғармаси ҳисобидан устама хақ олган. Рағбат бўлса, албатта, манфаат бўлади.

...Ўшанда устоз Орол Примқулов суҳбат чоғида бир гапни айтиб қолдилар. Байрамларда, айниқса, “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”да шогирдларни қўмсаб қоласан, киши. Чунки йиллаб қилинган меҳнатингнинг мевасини — шогирдингнинг камолини кўриш, унинг самимий, «Устоз», дея алқаган каломини эшитишдан-да ортиқ бахт борми?! Мамнуният билан айта оламизки, вилоят халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган 40 мингдан ортиқ ўқитувчининг кўнглини топадиган, устозига гуллар, гулдасталар тақдим этадиган ёшлар, шогирдлар бир дунё.

**Гелдимурод САИДМАЛИКОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

***Нақл қилинишича толиби илмлардан бири файзиёб Самарқандга олис юртлардан Абу Лайс Самарқандийдан сабоқ оламан деб қарийб олти ой йўл босибди, ҳолдан тойиб, озиб-тўзиб ҳазрат мударрислик қилаётган мадраса остонасига етиб келибди-ю, ҳушдан кетибди. Мадраса толиблари йигитни кўтариб ҳужраларига олиб келишибди, уч кун деганда илм ошиғи кўзини очибди. Қарасаки, тепасида машҳур ва таниқли аллома жилмайиб турибдилар.***

## Қуёш тафти

— Сиз қоп-қоронғи конга машъала ёқиб кирдингиз, иншооллоҳ, ҳаммадан бурун сиз истаганингизни топиб олғайсиз, — дея йигитга маърифат йўлини кўрсатибдилар. Алҳол, кўп ўтмай йигитнинг етук ва истеъдодли толиб сифатида овозаси бутун музофотга тарқалибди. Қиссадан ҳисса шуки, кимдир машаққат ва заҳмат чекиб, қалби конларини осонлик билан забт этади ва унинг кўмагида комиллик сари йўлга тезроқ тушади, кимдир эса устоздан машъала олиб қалби қоронғиликларини ёритиб, сўнг мурод ҳосил бўладиган манзилларга қараб одимлайди. Лекин, илм риёзати — ниҳолнинг қуёшга интилганидек улкан иштиёқни, муҳаббатни талаб этади. Шу маънода, олти ой йўл босиб келган йигитнинг ибрати унинг илмли ва билимли бўлиш истаги, муҳаббатининг юксаклигидан далолат беради. Қолаверса, офтобдай устоз воситасида ҳар бир инсон ўз қуёши васлига етади. Бу қуёш унинг бир умр одамийлик, маърифат ва эзгулик мартабасида умр кечиришини таъминлайди.

Болалик йилларимнинг ўйинқароқ кунларидан бирида мен Урганч туманидаги Ҳамид Олимжон номли мактабга Қуёш излаб борган эдим. Тақдир буни менга биринчи ўқитувчим Раҳима Абдуллаева сиймосида туҳфа қилди. Не саодатки, то ҳануз умр қаламимга ул зоти шариф армуғон этган ёрду билан шеърлар ёзиб юрибман.

Урганч туманидаги Дўрман қишлоғига, Муқимий номидаги мактабга ўқитувчилик қилишга борганимда ҳам мен тафти қуёшдайин, меҳри дарё одамларни учратдим, уларнинг нури қалбимни иситди. Бир файласуф айтган экан: “Мен кўп нарсани устозларимдан ўрганганман, ундан ҳам кўпроқ нарсани менга тенгқурларим ўргатишган. Бироқ энг кўп нарсани менга шогирдларим ўргатганлар...” Дўрманда менга шогирдларим шу даражада кўп нарса ўргатишган эканки, кейинчалик мени Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимига ишга таклиф қилишганида, ёш ижодкорлар билан ишлашим анча осон кечди...

Бошланғич синфларда ўқиб юрган кезларимда синфдошларим билан пахта ҳашарига чиқдик. Қизиқ бир вазият бўлиб қолди-ки, ичишга сув топа олмай, роса қийналдик. Шунда ўқитувчимиз Ҳакимбой Каримов бизларга “Бу қийинчиликлар биз кўрган қийинчиликлар олдида ҳолва, армияда бўлганимизда, айрим вақтлар терга ботиб, юз-қўлимизни ювиш учун сув тополмай қийналардик», деб қолди. Ўшанда биз “Қўлни ювиш чанқоқни босишдан кўра муҳимроқ экан-да”, деб ўйлаб қолардик. Бу бир тарбиявий ҳийла эканлигини, ўқитувчимиз бизларга озодалик ҳақида, нафсни қондиришдан ҳалол бўлиш муҳимроқ эканлиги тўғрисида буюк таълим берганлигини ҳозир, эллик йил берида туриб англайман.

Мен ҳар куни қуёшни кўраман.

Мен ҳар куни қуёшни тепамда офтоб балқиган дамларда эмас, одамлар билан дийдорлашаётган пайтимда кўраман.



Ана, набирам кўзларини уқалаб, ўз хонасидан чиқиб келяпти: “Кечир, мен сенга ҳали сув ичишдан кўра, ана шу сув билан юзқўлингни ювишинг зарурроқ эканлигини ўргатишга улгурганимча йўқ. Ҳали сен устозимнинг ўгитини ўрганишга андак ёшлик қиласан, бунга ҳали бирикки йил керак”. Ишга отланаётиб, кекса устозимга дуч келсам, юзимни булут қоплай бошлайди. Ундан “Мен манзилимни топдимми?” деб сўрагим келади. Устозимнинг нурли чеҳрасини, менга қараб табассум қилаётганини кўриб хотиржам тортаман. “Ҳаммаси жойида” дейман ўзимга ўзим. У кишига билдирмай таъзим қиламан: «Сиз каби мураббийлар, устозларнинг борига шукр, минг-минг маротаба қуллуқ, минг-минг маротаба ташаккур!»

**Матназар АБДУЛҲАКИМ.**

## Умримнинг мазмуни

Бундан 40 йилча муқаддам, мактабда математикадан илк сабоқлар ола бошлаган кезларим устозим Жўрақул Тешаев «Сонларга қулоқ солсанг, ҳақиқий ҳаётни сўзлайди. Фақат бунинг учун уларни сўзлата билиш зарур», деган эдилар. Сонлар билан сўзлашиш ҳаваси ортидан бор вужудим билан интилдим, билимим, куч-ғайратимни сарфладим. Пифагор «Ҳаёт сонлар асосига қурилган» деганидек, математика менинг ҳам умримнинг мазмунига, мақсадларимнинг асосига айланган.

Кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчи сифатида бугун хаёлимдан кўп гаплар кечмоқда. Ҳеч иккиланмасдан айта оламанки, ўқитувчининг меҳнатига муносиб баҳо бериладиган, уни эъзозлайдиган давр келди. Рақобату рағбат, курашу муваффақиятлар барқарор бўлган муҳит яратилди.

Бугун ҳукуматимиз иқтидорли болалардан ҳам, уларга дарс берадиган талабчан ўқитувчилардан ҳам ҳеч нарсани аяётгани йўқ. Буларнинг бари фақатгина Мустақиллик туфайлидир.

**Сафар АБДУЛЛАЕВ,**
**Ғиждувон туманидаги 63-мактаб ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

***Эртага пойтахтимиздаги Тошкент теннис маркази кортларида аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи анъанавий "Tashkent open — 2007" халқаро турнири бошланади.***

# ТЕННИС УСТАЛАРИ БАҲСИ




Мукофот жамғармаси 145 минг АҚШ долларига тенг бўлган мусобақада Россия, Франция, Беларусь, Италия, Хитой, Хитой Тайпейи, Украина, Хорватия, Чехия, Швейцария, Руминия, Испания, Люксенбург, Словакия, Германия каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган теннис усталари ғолиблик учун кортга чиқадилар.

— Аёллар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро турнирга 1996 йилда асос солинган эди, — дейди Ўзбекистон теннис федерацияси масъул ходими Гавҳар Азимова. — Дастлабки уч йилда халқаро теннис федерацияси — ITF туркумидаги "Челленжер" мусобақалари сифатида ташкил этилди. 1999 йилдан бошлаб эса, WTA жадвалига "Tashkent open" номи киритилди ва у тўққиз йилдан буён муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Турнир нуфузи ҳам йилдан йилга ошиб бораётир. Буни мусобақаларда дунё теннис таснифида юқори ўринларда турувчи ракетка усталарининг қатнашаётганлиги ҳам исботлайди. Шу билан бирга, ушбу халқаро турнир ёш иқтидор эгаларини кашф этишда ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Бунга "Tashkent open"нинг 2004-2005 йиллардаги ғолиблари Николь Ваидисова (Чехия) ва Михаэла Крайчек (Голландия)ларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бугун ҳар иккаласи ҳам дунёдаги номдор теннисчилардан ҳисобланишади.

Мазкур турнир юртдошларимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Ирода Тўлаганова 2000 йилда "Tashkent open" ғолиблигини қўлга киритганди. Ўтган йили эса финалгача етиб келди. Мазкур мусобақа яна бир теннис устаси — Оқгул Омонмуродовани кашф этишда ҳам муҳим роль ўйнади. Бу теннисчимиз учун 2005 йил омадли келганди. У Осиё чемпиони ва "Tashkent open" финалчиси сифатида ўзининг профессионал имкониятларини анча яхшилаб олди. Дунё теннис таснифида 100-ўринда бораётган Оқгул бугунги кунда терма жамоамиз етакчиларидан саналади.

Бу йилги мусобақаларда тажрибали теннисчиларимиз Ирода Тўлаганова ва Оқгул Омонмуродовалар билан биргаликда бир қатор ёш спортчиларимиз ҳам кортга чиқадилар.

Айтиш жоизки, дунё теннис таснифида 38-ўринда бораётган беларуслик Виктория Азаренко турнирнинг биринчи рақамли теннисчиси ҳисобланади. Қолган иштирокчиларнинг ҳам деярли барчаси биринчи юзликка кирган теннисчилардир.

Дунё теннис рейтингида кучли ўнликда турувчи россиялик теннисчи Анастасия Мискина мусобақаларда фахрий меҳмон сифатида иштирок этади. Қисқаси, Тошкент теннис маркази кортларига ташриф буюрган ишқибозлар бир ҳафта давомида ажойиб беллашувларга гувоҳ бўлишади.




# МУАЛЛИМЛАР БЕЛЛАШДИ

***Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида енгил атлетика мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан соҳа ходимларини оммавий спортга жалб этиш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган навбатдаги беллашувларнинг қуйи босқичларида 100 минг нафардан ортиқ ўқитувчи қатнашди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар мусобақанинг ҳар томонлама юқори савияда ўтишида яқиндан ёрдам бердилар.

Мусобақанинг финал босқичида туман ва вилоят саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтган 84 нафар мураббий ўзаро куч синашди. Эстафета мусобақасида Андижон вилояти терма жамоаси вакиллари марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтдилар. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига насиб этди. Узунликка сакраш бўйича бўйича Сурхондарё, Андижон, Бухоро вилоятлари вакиллари совриндор бўлдилар.

— Бир вақтлари турли танловларда билим ва тажрибаларимизни синовдан ўтказардик, — дейди Қўшработ туманидаги 12-мактаб меҳнат таълими фани ўқитувчиси Саодат Жуманова. — Бугун спорт мусобақаларида ҳам беллашишга шароит яратиб берилди. Бу ўқитувчиларнинг жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишига ёрдам беради. Мураббийимиз Абдуҳамид Тўхтаров бошчилигида мусобақага жиддий тайёргарлик билан келгандик, шахсий биринчиликда яхши натижага эришишимда бу қўл келди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.



# «Олтин тўп»га талабгорлар кўпаяди

**Франциянинг France Football журнали 1956 йилдан буён Европанинг энг яхши футболчиларини "Олтин тўп" соврини билан тақдирлаб келади.**

Журнал таҳририяти жорий йилдан эътиборан ушбу совринни дунёнинг энг яхши футболчисига берадиган бўлди. Совриндорни барча қитъадан жалб қилинган 100 нафар спорт журналисти аниқлаб беради.

Хабарингиз бор, дастлаб номинацияга фақат европаликлар даъвогарлик қилишарди. 1995 йилдан бошлаб низомга бироз ўзгартишлар киритилди. Яъни, "Олтин тўп" учун курашадиган футболчилар сафига бошқа қитъа вакиллари ҳам қўшилди. Лекин улар фақат Европа клубларида тўп сурадиган бўлиши шарт қилиб белгиланганди.

"Олтин тўп"нинг жорий йилги ғолибини тақдирлаш маросими 2 декабрь куни Парижда ўтказилади. "Милан" сардори Кака бу йилги мукофотга асосий даъвогар ҳисобланади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ**

**«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ**

**2007 йил 16 октябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситасини қайтадан қўймоқда:**

● Тошкент шаҳар Яккасарой туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2003 йил 23 февралдаги 2-125/2003-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри. Собир Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уй манзилидаги «Себзор» автотураргоҳида сақланаётган, давлат рақами 10U8830 бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 3 435 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» мини-банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.**

1437Я/1797 ***Лицензия DB001 № 000010.***

**2007 йил 31 октябрь** — ***ЭЪЛОН!*** — **соат 10.00 да**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ВШ-709** | **«Тошкент — Янгиер», икки томондан** | **ВШ-788** | **«Тошкент — Гулистон», Гулистон томондан** |
| **ВШ-715** | **«Самарқанд — Бухоро», икки томондан** | **ВШ-841** | **«Тошкент — Арнасой», Арнасой томондан** |
| **ВШ-723** | **«Фарғона — Наманган», Наманган томондан** | **ВШ-856** | **«Бекобод — Гулистон», Гулистон томондан** |
| **ВШ-724** | **«Қўқон — Наманган», Наманган томондан** | **ВШ-863** | **«Самарқанд — Гагарин», Гагарин томондан** |
| **ВШ-726** | **«Қўқон — Чуст», Чуст томондан** | **ВШ-899** | **«Бекобод — Гулистон», Гулистон томондан** |
| **ВШ-737** | **«Қўқон — Поп», Поп томондан** | **ВШ-915** | **«Жўш — Арнасой 23-ш/х», икки томондан** |
| **ВШ-753** | **«Андижон — Наманган», икки томондан** | **ВШ-960** | **«Қуйтош — Тошкент», икки томондан** |
| **ВШ-767** | **«Бухоро — Шаҳрисабз», Шаҳрисабз томондан** | **ВШ-1097** | **«Шофиркон — Тошкент», икки томондан** |
| **ВШ-ЙТ-764** | **«Андижон — Фарғона», икки томондан** | **ВШ-1061** | **«Манғит — Тошкент», икки томондан** |
| **ВШ-776** | **«Қарши — Термиз», Қарши томондан** | **ВШ-1061-Т** | **«Тошкент — Манғит», икки томондан** |

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.**

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия.**

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳри «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 000 сўм ўтказиб, 2007 йил 27 октябргача буюртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини 2007 йил 30 октябрь куни соат 17.00гача қабул қилади.



**Тендер ўтказиш манзили:**
**Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.**

1434Я/1795

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси**

**қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:**

***«Жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳри суди маъмурий биносини капитал таъмирлаш».***

**Қурилишни якунлаш муддати** — 2 ой. **Буюртмачи** — Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси.
**Манзил:** Навоий шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 21-уй.
Тел.: (8-436) 224-17-51. Факс: 224-16-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**Навоий вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси**

**қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:**

***«Навоий вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси маъмурий биносини капитал таъмирлаш».***

**Қурилишни якунлаш муддати** — 6 ой. **Буюртмачи** — Навоий вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси.
**Манзил:** Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 4-«А» уй. Тел.: (8-436) 224-89-71.

Қурилиш ишларини молиялаштириш ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уй**да жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (8-436) 225-53-85, 225-52-38.**

***Ҳужжатлар бир тўплам (комплект)нинг қиймати — 60 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.**

14268/1695

# ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**докторантура ва аспирантураларга 2008 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ДОКТОРАНТУРА**

**05.12.02** — Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари.
**05.12.14** — Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш.
**05.12.17** — Радиотехника ва телевизион тизимлар ва қурилмалар.
**05.13.11** — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалар, тизимлар ва тармоқларнинг математик ва дастурий таъминоти.
**05.13.13** — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари.
**05.13.19** — Ахборотлар технологияси, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва усуллари.

**Керакли ҳужжатлар:**

- *ариза; таржимаи ҳол ва шахсий варақа фотосурат билан;*
- *олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестатлари нусхаси (агар мавжуд бўлса);*
- *тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси;*
- *чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса);*
- *иш жойидан тавсифнома;*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;*
- *тиббий маълумотнома (086 шакл);*
- *4х6 см. ўлчамдаги 4 та фотосурат; паспорт нусхаси.*

**АСПИРАНТУРА**

**05.12.02** — Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари.
**05.12.14** — Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш.
**05.12.17** — Радиотехника ва телевизион тизимлар ва қурилмалар.
**05.13.11** — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалар, тизимлар ва тармоқларнинг математик ва дастурий таъминоти.
**05.13.13** — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари.
**05.13.19** — Ахборотлар технологияси, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва усуллари.
**08.00.14** - Иқтисодиётда ахборотлар тизимлари ва технологиялари.

**Керакли ҳужжатлар:**

- *ариза; таржимаи ҳол ва шахсий варақа фотосурат билан; иш жойидан тавсифнома;*
- *чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот ҳисоботлари рўйхати ёки танланган мутахассислиги бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат);*
- *олий таълимнинг барча босқичларидан ўтганлигини тасдиқловчи диплом ва дипломга илованинг нусхаси;*
- *номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар топширган бўлса);*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун);*
- *тиббий маълумотнома (086 шакл); 4х6 см. ўлчамдаги 4 та фотосурат;*
- *паспорт нусхаси ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса).*

***Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2007 йил 15 октябргача.***

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин:**
**100084, Тошкент шаҳри, ГСП, Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

**Маълумот учун телефонлар:**
**138-64-43, 138-64-03.**
**Факс: 135-10-40.**

14248/1783

Қорақалпоқ томонларда

# Янги ўқув масканлари

Қўнғирот туманида янги тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди. 728-қурилиш-монтаж поезди томонидан барпо этилган мазкур ўқув маскани қурилишига жами 1,7 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

— Ҳудуд аҳолисининг орзуси ушалди, — дейди коллеж директори Сарсенбой Жумамуратов. — Уч йўналиш бўйича 540 талаба қабул қилдик. Галдаги мақсадимиз — Элобод ва Устюртда қад ростлаётган бошқа янги шаҳарчалар учун малакали ҳамширалар тайёрлаб бериш.

* * *

Тўрткўл туманида Қорақалпоғистон жанубидаги иккинчи замонавий академик лицей фойдаланишга топширилди. «Жамбассувқурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан меъморчиликнинг энг сўнгги андозалари асосида тикланган бу иморат 720 нафар иқтидорли ўғил-қизни бағрига олди. Жами 2,3 миллиард сўм маблағ сарфланган муаззам иншоот Тўрткўл кўркига кўрк бўлиб қўшилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказининг Жиззах филиали директори
**Мухтор Неъматович РАЖАБОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси Ахборот технологиялари факультети декани, техника фанлари доктори, профессор
**Баҳром Бўриевич АБДУСАТТОРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши жамғарманинг Тайлоқ тумани бўлими раиси
**Саттор СУЯРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 октябрь, чоршанба куни чиқади).*

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.***

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

t -Тижорат материали

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.**
**Навбатчи — Қ. Хидиров.**
**Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Топхўжаев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 23.55** 23456